

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БАКАЛАВРИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ МИҚДОРINI МАҚБУЛЛАШТИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399537>

Махкамова Шахло Юлчиевна, и.ф.н,
*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти, бўлим
бошлиги*

Абсаматов Бахром Данакулович
*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти, бош
мутахассиси*

***Аннотация.** Тезисда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таснифи, таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичига ўтказиш юзасидан хулоса ва таклифлар шакллантирилган.*

***Калит сўзлар.** Олий таълим, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, бакалаврият, магистратура.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сонли Фармонининг 1-илоvasи, 19-бандида таълим тизимини халқаро меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, технологик жараёнларга мос ташкил этиш, олийгоҳлардаги таълим сифатини янги босқичга олиб чиқишда таълим тизимини халқаро меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, технологик жараёнларга мос ташкил этиш, бакалавриятдаги таълим тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва мазмун жиҳатидан яқин бўлган йўналишлар бирлаштирилиб, замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш, шунингдек, бухгалтерия, логистика, маркетинг, IT, дизайн, туризм каби бакалаврият йўналишларида ўқиш муддатини қайта кўриб чиқиш ва био-муҳандислик, нано-технология, IT инжиниринг, урбанистика, яшил энергетика каби истиқболли янги мутахассисликларга ўқитишни йўлга қўйиш топшириғи берилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида олий таълим муассасалари сони 65 тадан 224 тага етди (121 та давлат; 75 та нодавлат; 28 та хорижий),

кабул ўринлари сони 66 мингдан 275 мингтадан оширилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланиб боряпти, профессор-ўқитувчилар маоши деярли тўрт баробаргача оширилди¹.

Шундай бўлишига қарамасдан олий таълим тизимидаги бугунги таълим стандартлари маънан эскирган, у ўтган давр мобайнида гарчи 2 марта янгитдан кабул қилинганлиги қарамай, меҳнат бозори ва иқтисодий соҳалар эмас, балки профессор-ўқитувчилар талабига мослашган, талабалар ўз йўналишига дахлдор бўлмаган фанлар билан ҳам шуғулланишга мажбур бўляпти.

Шу боис олий таълим муассасаларини халқаро рейтингда муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи механизмларни тадқиқ этиш ва тизимга жорий этиш, олий таълим муассасаларини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, талабалар сонини ошириб бориш, таълим жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш муносабати билан профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини белгилаш ва таълимни ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот объекти олий таълим тизими бўлиб, тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таснифини мақбуллаштириш юзасидан илмий-таҳлилий изланишлар ўтказишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади Давлат олий таълим муассасалари бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таснифини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда халқаро амалиётга мувофиқлаштириш бўлиб, қуйидаги вазифаларини амалга ошириш кўзда тутилган:

- олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

¹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika>

- мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин мутахассисликларни бирлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- номуахассислик фанлар улушини қисқартириш ҳисобига бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари квоталарини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- амалдаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини халқаро стандартларга мослаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

Бугунги кунда республикада олий таълим муассасалари сони ошди. Соҳани эркинлаштириш натижасида нодавлат олий таълим ташкилотлари фаолияти кенгайди. Фаол рақобат муҳити юзага келди. Шунга мос равишда олий таълимга қамров 4 баробардан ортди.

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 334 та таълим йўналиши ва 645 та магистратура мутахассислиги киритилди. Жорий 2023/2024 ўқув йилида олий таълим ташкилотларининг 548 та мутахассислик бўйича малака талаблари тасдиқланди².

Эришилган натижалар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва жорий этилган таълим классификаторида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ҳаддан ташқари кўплиги қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Олий таълим муассасалари вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тор тармоқ манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг буюртмаси асосида кадрлар тайёрламоқда. Бу ҳолат вазирлик ва идоралар манфаатларини давлат ва битирувчиларнинг шахсий манфаатларидан устун қўйишидир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тор доирада бўлиши иш берувчилар ва кадрлар тайёрлаётган олий таълим муассасалари

² <https://stat.uz/>

кафедралари манфаатларига тўла мос тушади. Вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тор тармоқ доирасидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга манфаатдор, олий таълим муассасалари кафедраларининг эса ўз кафедраларини мутахассис чиқарувчи кафедралар сифатида сақлаб қолишдаги сайи ҳаракатлари охир-оқибат бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари сонининг кескин равишда сунъий ошиб кетишига олиб келди. Ҳозирда олий ўқув юртидан кейинги таълим иқтисодиёт ихтисосликлари сони 14 та, мутахассисликлари сонини ҳам шунга мувофиқлаштириш лозим. Масалан, Қозоғистон Республикасида жорий этилган классификаторда магистратура мутахассисликлари сони ва номи олий ўқув юртидан кейинги таълим ихтисосликлари билан бир хил.

Иқтисод таълим йўналиши негизидаги магистратура мутахассисликлари мазмун-моҳияти жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган йўналишларни бирлаштириб, замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадга мувофиқ.

Бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг баъзиларини таълим даврининг давомийлигини жаҳон амалиёти, ўқув юкнамалари ва бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрганиш ва таҳлилларимиздан келиб чиқиб, куйидагилар таклиф қилинади:

1. Кенг доирадаги мутахассисликларни рағбатлантириш ва тор доирадаги мутахассисликларни оптималлаштириш йўли билан уларни бозор иқтисодий фаолият турларига босқичма - босқич мослаштириш, шунингдек, иқтисод қилинган ресурсларни қайта тақсимлаш орқали қабул квоталарини мақбуллаштириш;

2. Олий таълим муассасалари ўқув режаларида фанлар сонини номутахассислик (муҳимлик даражаси нисбатан пастроқ бўлган) фанлар

ҳисобига камайтириш ҳамда туташликдаги фанлар танлов асосида ўқитилишини амалиётга жорий қилиш;

3. Кадрлар тайёрлашнинг давлат буюртмаси асосида амалга оширувчи махсус автоматлаштирилган тизимни йўлга қўйиш.

4. Таълим йўналишларини оптималлаштириш учун ҳар йили меҳнат бозорини тадқиқ этиш, ишсизлик даражасининг олий маълумотлилар орасидаги улушини ҳисобга олиб бориш, ижтимоий тадқиқотлар амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда, олий маълумотли ишсизлар Россияда 4, Германияда 2 фоиз бўлиб, Ўзбекистонда 10,3 фоиздан юқорилиги аниқланган³.

5. Олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимни молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар улуши ЯИМга нисбатан олганда бази давлатлардан кўп бўлса-да, камров даражаси каммуаммоларни ечиш йўлларида бири олий таълимга хусусий секторни кенг жалб этиш ва таълим йўналишларини халқаро стандартларга мослаштириш бўлиб, бу олий маълумотли кадрларнинг нафақат мамлакатимизда, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам иш топиш имкониятларини ошириб, улар орасида меҳнат бозоридаги ишсизликни камайтиришга хизмат қилади.

6. Мамлакатимизда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг йўналиш ва мутахассисликлари сонининг кескин камайтириш ва халқаро стандартларга мослаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичида таълим йўналиши 29 та ва таълим мутахассисликлари 80 тани ташкил қилади⁴.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Области образования и профессиональной подготовки 2013 (МСКО-2013).
2. Специальности сокращают в классификаторе, а не в вузах <https://ria.ru/20130422/933966156.html>
3. Обеспечение качества высшего образования в Республике Казахстан и деятельность Независимого агентства по обеспечению качества в образовании <https://enic-kazakhstan.edu.kz/files/1625317941/ensuring-the-quality-of-higher-education-in-the-republic-kazakhstan-and-the.pdf>

³ Махкамova Ш. Ю Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий истаклари мониторинги (мактаб, коллеж ва лицейлар битирувчилари ҳамда уюшмаган ёшлар мисолида) 2020, ПЗ-20170928497;

⁴ <https://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/isced-fields-of-education-training-2013-ru.pdf>

4. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори <https://tsuos.uz/wp-content/uploads/2021/11/OTM-Klassifikatori.pdf>

5. Образование и экономический рост: зарубежный опыт, прогнозы для Узбекистана // Информационно-аналитический обзор. -Ташкент: Институт бюджетно-налоговых исследований при Министерстве финансов Республики Узбекистан, 2020. -48с.

6. Махкамова Ш.Ю.Совершенствование механизмов государственного финансирования высшего образования//Актуальные проблемы экономической деятельности и образования в современных условиях: электронный сборник XVII Международной научно-практической конференции. – Волгоград: ООО «Сфера», 2022. – С.202-210. https://orenrsute.ru/images/orenrea/banner/sborniki-04-2022/sbornik_prepodavateleu_04-2022.pdf

7. Олий таълимни давлат томонидан молиялаштириш механизмининг хорижий тажрибаси// Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar// -Тошкент, 2022. -№3. -Б. 184-191. <https://ifmr.uz/journals/17>

